



Халқ сўзи

2023 йил — инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 30 ноябрь, № 255 (8598)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУВНИ ТЕЖАШ БЎЙИЧА ФАВҚУЛОДДА ИШ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, қатта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил сайин камайиб бормоқда. Трансчегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга етиши прогноз қилинапти.

Лекин шу ҳолатда ҳам сувдан самарасиз фойдаланилماпти. Мамлакатимиздаги жами сув ресурсининг 90 фоизи қишлоқ хўжалигида сарфланаяпти. Масалан, юртимизда бир гектар пахта майдонини сугориш учун йилга 10-11 минг куб метр сув сарфлангани ҳолда иклими ва ери бизникига ўхшаш мамлакатларда бундан 2-3 баравар кам сув ишлатилаяпти. У ҳам бўлса, сувни тўғри бошқариш, исроф қилмаслик ҳисобиға.

Сув хўжалигига ҳар йили ўртача 1 миллиард доллар маблаг йўналтирилмоқда. Бу соҳа бюджетдан маблаг олиш бўйича таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигидан кейин 4-ўринда туради. Аммо тизимда ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилмагани, сув ресурсларини бошқаришда эскича ёндашувлар сақланиб қолгани учун самара кам.

Йиғилишда бу соҳадagi муаммолар, янги ташаббус ва вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимиға ўтилишини таъкидлади.

Бунда биринчи муҳим вазифа — канал ва ариқларни бетонлаш. Ҳисоб-китобларга кўра бетонланмаган ирригация тармоқларида йилга ўртача 14 миллиард куб метр ёки 36 фоиз сув ҳеч

қандай иқтисодий самарасиз исроф бўлаяпти. Энг кўп сув йўқотишлар Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Навоий, Хоразм ва Бухоро вилоятларига тўғри келади. Каналларнинг охирида жойлашган 175 минг гектар экин майдонида сув таъминоти жуда огир.

Умуман, сув йўқотишлар оқибатида иқтисодиётимизда йилга 5 миллиард доллар даромад бой берилаяпти.

Шу боис сув хўжалигида “каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” эълон қилинди. Келгуси йилда 1 минг 500 километр, яъни бу йилгига нисбатан 4 баробар кўп йирик каналларни бетонлаш вазифаси белгиланди. 2025 йилдан бошлаб камиди 2 минг километрдан каналларни бетонлашга ўтилади.

Бунинг учун ноябрь — март ойлари энг қулай вақт экани, лойиҳаси тайёр каналларда қурилишни ҳозирдан бошлаш кераклиги қайд этилди. Вилоят ва туман ҳокимларига бир йил ичида 3 минг 500 километр ички тармоқларни бетон қопламага ўтказиш топширилди. Бундан манфаатдор кластер ва фермерларга махсус техника ва қурилиш материалларидан ёрдамлашиб, харажатларни 2 қарра камайтириш мумкинлиги айтилди.

Иккинчи муҳим вазифа — сув тежовчи технологияларни жорий қилиш.

Мамлакатимизда 4,3 миллион гектар сугориладиган ер бўлиб, шундан 30 фоизига сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Бундай кластер ва фермер хўжаликларида сув 30 — 40 фоизга, ўғит ва ёқилғи 25 — 30 фоизга тежалishi билан бирга ҳосилдорлик ошган.

Лекин сув етказиш таннаҳи жуда қиммат бўлган Қашқадарёда бундай усулда сугориладиган ерлар атғи

16 фоизни ташкил этади. Сув тежашда энг содда агротехник тадбир бўлган ерни лазерли текислаш ишлари ҳам етарли эмас. Бундай майдонлар Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 10 фоиздан кам.

Бунинг сабабларидан бири — сув тежовчи технологияни жорий қилган фермерларга кредит фойзининг бир қисмини қоплаш тартиби ишламаяпти. Шу боис йиғилишда бу бўйича янғича молиялаштириш тизими белгиланди. Унга кўра кластер ва фермерларга сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун икки йиллик имтиёзли давр билан беш йилга 14 фоизли кредит ажратилади. Бунинг учун очик-ошкора платформа ишга туширилади. Ҳам банк билан, ҳам таъминотчилар билан шартнома электрон платформа орқали онлайн имзоланади.

Мутасаддиларга бунинг молиявий-ташкилий жиҳатлари бўйича кўрсатмалар берилди. Сув тежаш жорий этилган майдонларни ҳар йили кенгайтириб бориш, Туркия, Испания ва Ҳитойнинг бу бўйича тажрибасини ўрганиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси уч йилда ҳам қишлоқ хўжалиги техникасининг 15 фоизи ва лазерли текислагичнинг 30 фоизини субсидиялаш амалиёти давом эттирилади. 2026 йилгача ҳамма экин ерлари лазерли текисланади. 2026 йилдан кейин лазерли текисланмаган ерларга нисбатан ер ва сув солиқлари кескин оширилади.

Учинчи муҳим вазифа — сувни етказиш харажатларини қисқартириш.

Бугунги кунда кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар 1 куб метр сувга ўртача 212 сўм харажат қилина-

ти. Лекин Бухоро, Қашқадарё ва Наманганда бу 2-3 баробар қиммат.

Шу билан бирга, сув харажатининг 63 фоизи насос станциялари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, сугориш учун йилга 7 миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфланади. Чунки сув насосларининг 80 фоизи эскирган, энергия сарфи юқори.

Давлатимиз раҳбари бу харажатларни камайтириш ва самарадорликни оширишининг энг тўғри йўли — насосларни модернизация қилиш ва уларни бошқаришни хусусий шерикликка бериш эканини таъкидлади.

Бу борада бир нечта лойиҳа бошланган. Бу ишларни жадаллаштириб, халқаро молия ташкилотлари иштирокида 95 та насос станциясини янгилаш, келгуси йил бошида яна 118 таси бўйича тендер эълон қилиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, хорижий компаниялар 268 та насосни бошқарувга олиш ташаббусини билдирган.

Умуман, ушбу чоралар орқали келгуси йили насосларнинг электр сарфини 300 миллион киловатт-соатга, кейинги уч йилда эса 1,5 миллиард киловатт-соатга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Сув хўжалиги вазирлигига халқаро молия ташкилотлари билан бирга насосларни модернизация қилиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш топширилди. Соҳада замонавий бошқарувни жорий этиш, сув ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Сув хўжалиги вазири, ҳокимлар ва бошқа раҳбарларнинг ахбороти эшитилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi долзарб масалалар, шу жумладан, жорий йил 5 — 7 октябрь кунларидаги Россия Федерациясига олий даражали ташриф чоғида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши қўриб чиқилди.

Етакчилар Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб, кўп қиррали ҳамкорлик кенгайиб бораётганини қайд этдилар.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсатки-

ларининг ўсиш суръати сақланмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, ҳудудлараро алоқалар ривожланмоқда. Куни кеча Жиззах вилоятида биргаликда ташкил этилган йирик агрологистика мажмуаси ишга туширилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари маданий-гуманитар алмашинув фаол кечаётгани ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида дастурлар амалга оширилаётганини ҳам олқишладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН БААДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зойд Ол Наҳаённинг тақлифиға биноан 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясида иштирок этиш учун Дубай шаҳрида бўлади.

Иқлим бўйича глобал саммитда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларининг давлат ва ҳукуматлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари қатнашади.

Тадбир кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси асосий қоидаларини амалга ошириш, бугунги экологик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, “яшил” тараққиёт мақсад ва вази-

фаларини илгари суришда кенг ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлаши ҳамда қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Ҳадли конвенцияси 1993 йилда қўшилган, 2018 йилда мамлакатимиз Париж битими иштирокчиси бўлди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЁНДАШИЛДИ

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди, ақсарияти қабул қилиниб Сенатга юборилди. Шунингдек, депутатлар аҳолиға сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан рақамли технологиялар вазири жавабини муҳокама қилиш баробарида тегишли мутасаддиларға парламент сўрови юборишға оид масалаларни ҳам қўриб чиқди. Депутатлар ҳар бир масала муҳокамасига дахлдорлик ҳисси билан ёндашди.

Аҳолиға сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши халқ вакиллари назоратида

Мажлисида депутатлар аҳоли яшаш пунктларини телекоммуникация хизматлари билан қамраб олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматовнинг Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавабини муҳокама қилди.

Кейинги йилларда аҳоли яшаш пунктларини телекоммуникация хизматлари, жумладан, оптик толали алоқа ва юқори тезликдаги интернет жаҳон ахборот тармоғи билан қамраб олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Мушоҳада

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ

Маълумки, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари дунёда барча турдаги қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, озик-овқат хавфсизлигига ва яхши овқатланишға эришиш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишилар фаровонлигига қўмаклашиш, умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни кафолатлаш, умри давомида таълим олиш имкониятини бериш, гендер тенгликка эришиш ва хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш ҳамда бошқа қатор вазифаларни қамраб олган бўлиб, Ўзбекистон бу борадаги мажбуриятларини муваффақият билан бажариб келмоқда.



Мулоқот

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муқтор элчиси Муҳаммад Монирул Исмоин қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Бангладеш ҳамкорлигининг барча йўналиши, хусусан, савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар, айниқса, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Икки давлат парламентлари ҳамкорлиги мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Томонлар Ўзбекистон ва Бангладеш қонун чиқарувчи органлари ҳамкорлигини янада ривожлантириш, эришилган

келишувларни амалга оширишда парламент назорати имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатларига устувор қамолда сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натijaда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан икки баробар

ўсди. Шундай бўлса-да, учрашувда эришилаётган кўрсаткичларни яна бир неча баробар оширишға имкониятлар етарли экани айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида алоқани кучайтириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш ҳамда саноат маҳсулотларининг кўргазма ва ярмаркаларини ташкил этишни амалга оширишни ўз ичига олган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарда тўқимачилик клас-

терлари ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш, фармацевтика соҳасида давлатларимиз кенг салоҳиятидан келиб чиқиб, қўшма лойиҳаларни амалда жорий қилиш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот давомида маданий-гуманитар алоқаларни, айниқса, маданият ва зиёрат туризми соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида дипломат ўзаро муносабатларнинг бундан кейин ҳам янада ривожланиши учун бор имконият ва салоҳиятини ишға солишини билдирди.

«Халқ сўзи».

Бизнинг суҳбат

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

АСРИЙ АНЪАНАЛАР ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАР АСОСИДА ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

Асрлар давомида сайқалланиб келаётган халқ табobati хусусида сўз кетганда у халқимиз тарихи, маданияти, ўзига хос турмуш тарзи ва қадриятлари сингари кўҳна ҳамда ноёб эканини эътироф этиш ўринлидир.

Дунё тиб илми султони Абу Али ибн Сино юртида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, ахир. Бугун мамлакатимизда ажодлардан мерос табобат илми, асрий анъаналаримиз замонавий мезонлар асосида ривожлантирилаётгани жуда ҳам қувонарли. Боиси халқ табobati замонавий тиббиётга асос солинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам бу икки муштарак соҳани асло бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа қатори тиббиёт, халқ табobati ҳам замонавий мезонлар асосида жадал ривожланилпти. Шу билан бирга, юртимизнинг ҳамма ҳудуди, хусусан, Андижон вилоятида кенг қўламли ҳаётбахш ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай эътибор ва рағбат туғайли вилоятнинг Жалақудуқ туманида ҳам қувонарли янгилаш ва ўзгаришлар кўзга ташланилпти. Туманининг олис қишлоғида халқ табobati замонавий тиббиёт билан ҳамоханг тарзда юксалишиға эришиллпти.

Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғуланувчилар Табобат академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор Иброҳим АСҚАРОВдан мамлакатимизда кейинги йилларда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, касалликлар профилактикасида халқ табобатининг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Умидсиз дил жаҳонда кам яралган

— Мамлакатимиздаги сурат ва сийрат янгилашларини ҳар бир соҳада қўришимиз мумкин, — дейди Иброҳим Асқаров. — Бугун шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ҳам, одамларимизнинг турмуш тарзи

ҳам бутунлай ўзгариб бормоқда. Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими мутлақо янги андозалар, ўзига хос ёндашувлар асосида ривожлантирилаётгани халқни рози қилишда муҳим ўрин тут-

моқда. Жумладан, халқ табобатининг эмин-эркин тараққий этиши учун қулай шароитлар яратилгани, тизим ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани халқимиз даҳоси яратган эзгу қадриятларни қайта тиклашға, уни янғича мазмун билан бойитишға ҳисса қўшаётир.



ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЁНДАШИЛДИ

Жорий йилнинг 30 октябрь куни қуйи палата томонидан рақамли технологиялар вазирига юборилган парламент сўровида фуқароларга сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси масаласи кўтарилган эди.

Кайд этилганидек, ўтган даврда Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан аҳолига сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши юзасидан қатор назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар таҳлил қилинди.

Ўрганишлар натижалари ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг интернетга уланishi каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан шакллантирилган парламент сўровига берилган жавобда қуйидагилар аниқланди.

Аҳоли пунктларини мобилъ алоқа ва интернет билан қамров даражасини яхшилаш бўйича йил бошидан 5 мингтадан ортиқ таънич станциялар ўрнатишга ва модернизация қилинган. Натижада республика бўйича мобилъ алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полсалли мобилъ интернет эса 98,5 фоизга, ҳалқаро аҳамиятга эга автотўйларнинг мобилъ интернет билан таъминлашис кўрсаткичи 75 фоизга етказилган.

Аҳолининг интернетга уланishi имкониятини кенгайтириш, оптик толали алоқа линиялари қамровини ошириш мақсадида жорий йил бошидан ҳозирги кунгача қўшимча 50 минг км. оптик толали алоқа линияларини қуриш орқали уларнинг умумий узунлиги 220 минг км.га етказилган. Республика бўйлаб алоқа пунктларини оптик толали алоқа линиялари билан таъминлаш даражаси 88 фоизни ташкил этди. 2023 йилнинг якунига қадар аҳоли пунктларини интернет билан қамраб олишни 99 фоизга етказиш режалаштирилмокда.

Бугунги кунда халқаро “cable.co.uk” сайтининг интернет арзонлиги юзасидан тузилган рейтингида Ўзбекистон симли интернет арзонлиги бўйича 219 та давлат орасида 25-ўринни (ўртача интернет нархи 15,48 АҚШ доллари) ҳамда мобилъ интернет борасида 233 та мамлакат орасида 22-ўринни (ўртача интернет нархи 0,30 АҚШ доллари) эгаллаб турибди.

Республика бўйича барча ижтимоий соҳа объекти юқори тезликдаги интернет тармоғига уланishi имконияти билан таъминланган. Wi-Fi технологиясис ёрдамида жамоат жойларида симсиз кенг полсалли тармоқларни кенгайтириш мақсадида жами Wi-Fi нукталар сони 7 минг 81 тага етказилган.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат тилига риоя этилишини таъминлаш мақсадида “O‘zbektelekom” АҚ, “UMS” МЧЖ ҳамда маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатувчи субъектлар, интернет провайдерларга абонентларга тақдим этиладиган маълумотларнинг, аввало, давлат тилида ва заруратга кўра

бошқа тилларда бўлишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Шу билан бирга, ўзбек тилидаги 10 мингга яқин атамалар, уларнинг таърифлари ҳамда шу атамаларнинг инглиз ва рус тилидаги муқобиллари келтирилган “Ахборот технологиялари атамаларининг изоҳли луғати” ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, ўзбек тилининг изоҳли, имло ва соҳаларга оид луғатлари маълумотлар базасидан самарали фойдаланиш имкониятларини тақдим этувчи “tahrilovchi.uz” лойиҳаси амалиётга татбиқ этилган, “my.gov.uz” порталида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш даражасини аниқлаш” хизмати ишга туширилган.

Парламент сўровини тайёрлаш доирасида Қонунчилик палатасининг тегишли кўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган қатор чора-тадбирлар белгиланган эди. Шулардан бири яқинда қуйи палатага Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳисобланади.

Қонун лойиҳасига кўра энди аҳоли учун тураржойлар қурилишда замонавий телекоммуникация инфратузилмаси мажбурий бўлиши белгиланмокда.

Тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилар экан, депутатлар аҳолига сифатли телекоммуникация хизматларининг тақдим этилиши уларнинг давлат хизматларидан фаол фойдаланишлари, электрон тижоратни амалга оширишлари ҳамда ўзлари учун зарур бўлган ахборотни излашлари, олишлари ва тарқатишлари сингари конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг таъминланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди

Мажлисда Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаевга “Экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош махсулотлар юрти” тадтурини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда экспортни рағбатлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар урдаланмокда.

Президентимизнинг жорий йилда тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича “Йўл харитаси”да “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош махсулотлар юрти” дастури доирасида корхоналар сонини 500 тага етказиш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашнинг изчил давом эттириш, улар молиявий имкониятларини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгилан берилган эди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида эса мил-

лий иқтисодиётнинг экспорт потенциалини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган махсулотлар улушини янада ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида белгиланган вазифалар доирасида жорий йилнинг 9 ойида жаҳон бозорлари ва логистикадаги мураккабликларга қарамай махсулотлар экспортни (махсус экспортсиз) 12,0 млрд. долларни, услиш 106,1 фоизни ташкил қилган. Экспорт фаолиятига 2002 та янги корхона жалб этилиб, улар томонидан 700 млн. долларлик махсулотлар хорижга чиқарилган. Бу борадаги фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича 515 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий-молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш, маҳаллий корхоналарга махсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда доимий маслаҳат кўмаги кўрсатиб бориш, экспорт кўрсаткичларини яхшилаш бўйича муаммолар таҳлили ва уларга ечим излаш ишларини изчиллик билан жадаллаштириш зарурати мавжуд.

Хусусан, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош махсулотлар юрти” дастурининг босқичма-босқич 200 та экспортчи корхонани қўшимча қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш орқали амалга оширилиши белгилан қўйилган. Лекин ҳозирги кунда дастурга киритилган ва молиявий ёрдамлардан фойдаланиш имкониятига эга экспортёр корхоналар сони 114 тани ташкил этмокда.

Бундан ташқари, потенциал экспорт бозорларини аниқлаш, маҳаллий экспортёр корхоналарнинг мавжуд нисбий устуниклардан фойдаланиш даражасини ошириш, Европа давлатларига “GSP+” тизими доирасида тайёр махсулотлар экспортини кенгайтириш бўйича 6200 турдаги махсулотларни экспорт қилиш имкониятларидан тўлақонли фойдаланиланти, деб бўлмаиди. Шундан келиб чикиб мажлисда экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош махсулотлар юрти” дастурини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантилган тушунтиришлар бериш ҳақида Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев парламент сўрови юборилди.

Фуқароларни даромадли меҳнат билан банд қилиш — муҳим вазифа

Депутатлар, шунингдек, Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Мусаевга “Худудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқишди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 43-модасида давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағаллиқни қисқартириш чораларини қўриши алоҳида ифодаланган.

Кейинги йилларда бандлик соҳасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Меҳнат кодекси, 4 та қонун, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари раислигида видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, уларда мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Бандлик соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш ҳамда бандлик кўрсаткичларининг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмокда. Жумладан, жойларда ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирлари худудларда бандлик дастурларининг имзоланиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, фуқароларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринларини яратиш борасида сезиларли натижаларга эришилаётганини кўрсатмокда.

Ўрганишлар якуни таҳлил қилинганда мазкур йўналишдаги ишларни изчил ташкил этиш ҳамда натижадорликка эришиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, худудларда аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш, иш бевуричларни молиявий рағбатлантириш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган 30 дан ортиқ субсидия турларининг айримларидан самарали фойдаланилмаётгани маълум бўлди. Масалан, Самарқанд вилоятида иш ўринларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш, касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш ҳамда томорқа ер майдонларига енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, сугориш воситаларини харид қилиш учун тадбиркорларга ажратиладиган субсидия турларидан етарлича фойдаланилмаган.

Бундан ташқари, жойларда инвестиция лойиҳалари доирасида иш ўринлари яратилганлик ҳолатини ҳам талаб даражасида, деб бўлмаиди. Мисол учун, Қашқадарь вилоятининг Дехқонобод туманида 2023 йилнинг август ойи ҳолатига ҳудудий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатида киритилган 76 та лойиҳанинг 32 таси ишга туширилган. Қолаверса, айрим мономарказлар ва уларнинг филиаллари, касб-ҳунар марказлари, маҳаллалардаги касб-ҳунарға ўқитиш масканларида яратилган шароитлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Оқоридагилардан келиб чикиб, мажлисда ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишлар самардорлиги ҳамда 2023 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг бажарилиши юзасидан асослантилган тушунтиришлар бериш ҳақида Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Мусаевга парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

Қисқа сатрларда ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан Божхона институти магистратура босқичи тингловчилари ва курсантлари иштирокида **“Янги таҳрирдаги Конституция — стратегик ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори”** мавзунда давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир иштирокчиларига янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижроси доирасида мамлакатимизда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида кенг маълумотлар берилди. Давра суҳбатида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилаётгани ҳам қайда этиб ўтилди.

— Қонунчилик палатасида уюштирилган давра суҳбати бизда катта таассурот қолдирди, — дейди Божхона институти магистратура босқичи тингловчиси Худойберди Мелибоев. — Сабаби биз қуйи палатанинг иш фаолияти, қонунларни қабул қилиш жараёни билан яқиндан танишдик. Хусусан, палата мажлисида иштирок этиб, қонун лойиҳаларидаги ҳар бир норманинг қизгин муҳокамааларга сабаб бўлишига гувоҳ бўлдик. Ўйлайманки, олган таассурот ва билимларим келгуси фаолиятимга ижобий таъсир қўрсатади.

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси ҳамда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан **“Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириш”** мавзунда халқаро экспертлар иштирокида тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларининг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини таъминлаш, соҳада парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мамлакат тараққиётини белгиллаб бевурич муҳим ҳужжатлар ва давлат дастурларини рўёбга чиқариш Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилмокда.

Унда депутатлар фан ва инновациялар соҳаларида халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда Миллий бажарор ривожланиш мақсадлари мониторинги бўйича статистикани такомиллаштириш ва бошқа бир қанча масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

Тадбирда маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириш борасидаги сайёҳаракатларни янада жадаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси ҳамда Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йилгилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар **“Халқаро муносабатлар доирасида амалга оширилган олий даражадаги таширфлар якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган “йўл хариталари”нинг ижро этилиши ҳолати тўғрисида”**ги масала юзасидан мутасадди вазирликларнинг ахборотини эшитди.

Муҳокамалар давомида кўмиталар аъзолари кун тартибидида масала юзасидан вазирликлар томонидан амалга оширилган кенг қўламли ишларни эътироф этиш билан бирга, ижроси кечикаётган айрим масалалар бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ

Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нуткида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “Ўзбекистон — 2030” тараққиёт стратегияси БРМга уйғунлиги билан ажралиб туради. Айни чоғда янги Ўзбекистондаги ислохотлар фалсафаси ҳам “инсон, жамяят ва давлатнинг барқарор ривожланиши” ҳамда 2030 йилгача мамлакатнинг барча белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришилшини таъминлаш гоғларига тўла асосланган.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ва комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, БРМга доир вазифалар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 360 дан зиёд қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳўжатларда ўз ифодасини топди. Масалан, ташаббускорли ва муаиллифи кўп миллатли халқимиз бўлган янги таҳрирдаги Конституциямизга БРМга оид қатор нормалар киритилди.

Биринчидан, янги таҳрирдаги Бош қомиссиянинг 14, 49, 103-моддаларида илк бор барқарор ривожланиш тамойили акс эттирилди.

Иккинчидан, ўта қашшоқликка барҳам бериш ва барча жойда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш назарда тутувчи нормалар Конституциямизнинг 1, 57, 115, 122-моддаларига киритилди.

Учинчидан, Асосий Қонуннинг 46-модасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлганда, ишсизликда, шунингдек, бовқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда икитимой таъминот ҳуқуқига эғалиги, пенсия, нафақа ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдам миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги муҳрлаб қўйилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган 100 мақсад, 369 чора-тадбир, 190 вазифа, 306 мақсадли кўрсаткич бажарилиши мамлакатимизнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади. Янги мазкур стратегия доирасида жорий йилда қабул қилиниш режалаштирилган 25 та қонун, Президентнинг 39 та Фармон ва қарори, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар БРМга эришилшининг зарур ташкилий-ҳуқуқий асоси вазифасини ўтайди.

Сўз юритилаётган стратегиянинг биринчи йўналиши ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муно-

сиб шароитларни яратишни назарда тутади. Биргина ушбу биринчи йўналишнинг ўзида БРМга уйғун бир қатор устувор вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада қўламли сайёҳаракатлар амалга ошириб келинмокда. Муҳими, салмоқли натижаларга эришилаётир.

Аҳоли турмуш даражасини оширишга доир сиёсат туфайли юртимизда камбағаллик 2022 йилда 2017 йилдагига нисбатан икки баробар қамайган бўлса, уни 2026 йилга қадар яна 2 баробар, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш кўзда тутилган.

Камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 млн. аҳолининг даромадларини ошириш чоралари қўрилиши, меҳнатга лаёқатли аҳолини, жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлганларнинг барқарор ва самарали бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражасини 2030 йилга бориб 7 фоизгача тушириш режа қилинган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида икитимой хизматлар кўрсатиш ва камбағаллиқни қисқартириш бўйича:

■ ижтимоий ҳимоя қилиш тизими билан муҳтожларнинг барчасини тўлиқ қамраб олиш, туман ва шаҳарларда “Инсон” икитимой хизматлар марказлари фаолиятини ташкил қилиш;

■ ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш даражасини 100 фоизга етказиш, уларни реабилитация хизматлари билан қамраб олиш, муносиб иш билан таъминлаш орқали улар бандлигини 2 баробарга ошириш;

■ хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолиятини ошириш ва гендер тенгликка эришиш орқали уларнинг бошқарув лавозимларидаги улушини 30 фоизга қўпайтириш. Шунингдек, “аёллар дафтери” билан манзилли ишлаш шаффоф механизмини яратиш, мазкур ишлар бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

■ 2 млн. нафар фуқарони касб-ҳунар, тадбиркорлик қўниқмалари, чет тиллар ва касб-ҳунарға ўқитишда ҳусусий сектор улушини 30 фоизга етказиш каби мақсад ва вазифалар белгиланган.

Бу каби мисолларни “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бошқа йўналишларидан ҳам келтириш мумкин.

Аёнки, миллий сиёсат ва дастурлар ижросини парламент ва фуқаролик жамяти институтлари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмаиди.



Шу боис ҳам юртимизнинг миллий мақсадлари амалга оширилишини назорат қилиш, фуқаролар ва давлат органлари ҳамда мамлакатнинг бошқа ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамяти институтлари амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ушбу масала бўйича парламент ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур комиссия, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан БРМга оид соҳалар учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳўжатларда ифодаланган вазифалар ижроси юзасидан 190 дан зиёд индикаторлар бўйича мониторингини амалга ошириб келмокда.

Парламентимиз ташаббуси билан 2021 йилда биринчи марта ўтказилган Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳафталиги доирасида Ўзбекистон барча давлат парламентларининг сайёҳаракатларини бirlaштириш ташаббуси билан қикди ва натижада Бухорода “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик” мавзунда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари парламентлари вакиллари қатнашган биринчи халқаро парламент форуми ўтказилди.

Навбатдаги муҳим қадам сифатида айни пайтда бўлиб ўтаётган Барқарор ри-

вожланиш мақсадлари ойлигини келтириш мумкин. Ушбу ойлик доирасида миллий экспертлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатларнинг етук мутахассислари иштирокида қатор халқаро конференциялар, семинарлар, жамоат эшитувлари ва бошқа тадбирлар ўтказилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Мазкур ойликдан қўзланган мақсадлар қуйидагилар:

■ миллий ва хорижий жамоатчилик вакиллари иштирокида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистон тажрибасини ҳар томонлама кўриб чиқиб, бу борада ўзаро фикр алмашиш;

■ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда давлат ташкилотлари, идоралари ва фуқаролик жамяти институтлари, таълим, тадиқот ва таҳлил марказлари иштироки борасидаги илгор миллий ва халқаро тажриба билан танишиш;

■ келгусида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларни муҳокама қилиш.

Хозирданок ойликдан қўзланган мақсадларга эришилди, деб айтиш учун барча асослар бор.

Умуман, янги Ўзбекистоннинг “инсон, жамяят ва давлат барқарор ривожини” таъминлаш ҳаётта тадиқот этиш сиёсати Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш имконини бериши билан ҳам улкан аҳамиятга эга.

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

МИЛЛИЙ МАНФААТ ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА МАСЪУЛЛИК

Бугун пойтахтимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича иккинчи глобал форум бўлиб ўтади. Унда парламентлараро ташкилотлар ва юзга яқин давлатлар парламентлари раҳбарлари, парламентлар дўстлик гуруҳлари, халқаро ташкилотлар, етук эксперт ва мутахассислар, фуқаролик жамяти институтлари иштирок этиши кўзда тутилмокда.

Фикр

Албатта, ушбу нуфузли тадбир парламентлараро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, долзарб масалаларни ҳамжиҳатликда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтиришда муваффақиятли амалга оширилмокда.

Айтиш жоиз, ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида 140 га яқин қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмокда. Қолаверса, мамлакатимиз томонидан инсон



УМУМЖАҲОН ЭЪТИРОФИДАГИ УЙҒУНЛИК

Жорий йил 10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 75 йил тўлади. Шу муносабат билан ушбу сана мамлакатимизда Халқаро инсон ҳуқуқлари куни сифатида кенг нишонланади.

Хозирги даврда инсон ҳуқуқларига оид БМТ томонидан етмишга яқин, Европа Кенгаши Бош Ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан етмишдан ошди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) томонидан ўттиздан ортиқ халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинган. Маълумотларга кўра, аynи пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича тўрт юзга яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Шулардан энг муҳими — БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳисобланади. Мазкур декларация бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзагини ташкил этади.

Мамлакатимизда биринчи марта таълим ҳуқуқлари референдуми орқали янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилинди. Унинг асосий қисми халқ муҳокамаси ҳамда тақлифлари асосида янгиланди, инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч баробар оширилди. Шу асосда фуқаролар манфаатларининг умумжаҳон эътирофи

даги барча меъёрлари Бош қонунимизда ўз ифодасини топди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг моддаларини қарайдиган бўлсак, улар мамлакатимиз Конституциясидаги нормалар билан уйғун эканини кўриш мумкин. Масалан, декларациянинг 5-моддасида ҳеч қимнинг қийноққа ёки

шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни ҳурловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги кераклиги белгиланган бўлса, Конституциямизнинг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз экани, ҳеч нарса уларни қамситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги муҳрланган. Шу билан бирга, ҳеч қим қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини қамситувчи бошқа тарздаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланган. Ўз навбатида, ҳеч қим асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслигига оид нормалар декларациянинг 9-моддасида, янги тахрирдаги Асосий Қонунимизнинг 27-моддасида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, мана шу уйғунлиқни ҳар иккала ҳужжатда — жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда на-

зарда тутилган тартибда ошқорасуд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қуча қирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбланувчи ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар билан таъминланиши белгиланган. Умуман олганда, мамлакатимиз Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий ғоя ҳамда қоидаларини ўзида мужассамлаштирган, замон ва маконга мос равишда тақомиллаштирилганини юқоридаги маълумотлар сўзсиз тасдиқлайди. Бу миллий қонунчилигимиз дунё миқёсида тан олинган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда халқаро стандартлар асосида шаклланиганидан далолат.

Шухрат ЖҲҲАЕВ,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили.

Биз ва жаҳон

Испаниянинг Кадис университети қошида Ўзбек – испан маркази очилди

У Ўзбекистон ва Испания олий таълим муассасалари ректорлари учрашуви доирасида фаолият бошлади.

Испаниянинг Таълимни халқаролаштириш хизмати (SEPIE) билан ҳамкорликда жорий йилнинг 23-24 ноябрь кунлари Кадис шаҳрида Ўзбекистон ва Испания олий таълим муассасалари ректорларининг учрашуви ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон томонидан Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги вакиллари ва 8 та олий таълим муассасаси ректорлари, Испаниядан эса Ташқи ишлар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, SEPIE, Кадис шаҳри мэрияси, Испания ректорлар конференцияси ташкилоти ва 10 та университет ректори қатнашди.

Анжуман дастурига кўра, икки давлат университетлари тўғрисида тақдиротлар ҳамда “Университетлар ҳамкорлигини ривожлантиришнинг институционал механизмлари”, “Икки давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлиқнинг самарали амалиётлари”, “Лингвистика соҳасида ҳамкорлик — Ўзбекистон ва Испания университетлари алоқаларининг янги стратегиясини ишлаб чиқишнинг қалити” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Томонлар икки давлат ўртасида олий таълим соҳасида улкан салоҳият мавжудлигини, ёшлар орасида ўзбек ва испан тилларини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бораётганини қайд этишди. Ўз навбатида, таълим соҳасида нафақат тилларни ўрганиш, балки бошқа йўналишларда ҳам ўзаро қизиқиш борлиги таъкидланди. Хусусан, томонлар қишлоқ ҳўжалиги, ирригацияда сувни тежаш технологияларини жорий этиш, қончилиқ, қайта тикланувчи энергия ва бошқа соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш йўналишларида ҳам ҳамкорлик ўрнатишга қизиқиш билдиришди.

Тадбир якунида икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида қатор ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва талабалар алмашинувини, жумладан, Европа Иттифоқининг “Erasmus+” дастури доирасида йўлга қўйиш ва келгусида қўшма таълим лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида келишиб олинди.

Учрашув доирасида Кадис университети қошидаги Ўзбек — испан марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари онлайн тарзда қатнашди.

Ташкил этилган марказ Самарқанд давлат чет тиллар институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Кадис университети ҳамкорлигида Ўзбекистон ва Испания ўртасида илмий, маданий ва гуманитар йўналишларда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари томонидан ушбу марказ фаолиятига керак бўлган адабиётлар, миллий ҳўнармандчилик маҳсулотлари ва либослар тақдим этилди.

«Дунё» АА.
Кадис

ҚўШМА КОРХОНА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Жиззах вилояти ҳўқими Эргаш Салиев, барча тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси — “BMB-NRC Agrolistics” агрологистика комплексининг биринчи босқичи ишга туширилиши билан самимий қутлаб, Жиззах вилояти ҳудудида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигидаги 30 дан ортиқ қўшма корхоналар мувафқиятли фаолият юритаётганини, бугун фаолиятини бошлаётган ушбу корхона қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини Россия ва бошқа хорижий давлатларга тезкор ҳамда тўсиқларсиз экспорт қилишга мўлжалланганлиги, корхона икки мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Сўнгра икки мамлакат номида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Ходжаев ҳамда Россия Федерацияси Ҳўкумати Раисининг ўринбосари Алексей Оверчук онлайн тарзда сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасида ишонч ва мустаҳкам дўстона алоқаларга асосланган ҳамкорлик йўлга қўйилгани, ўзаро манфаатли мулоқот-

лардавом этаётгани ва турли соҳалардаги истиқболли лойиҳалар мувафқиятли амалга оширилаётганини қайд этиб ўтди.

Таъсисчилар томонидан “BMB-NRC Agrolistics” агрологистика комплексининг раъсий қалити тантанали равишда топширилди.

Тадбир давомида Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари Сергей Левин онлайн алоқа орқали ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов, РФ Давлат дўамаси қўмита раиси ўринбосари Сергей Лисовский, “BMB-NRC Agrolistics” агрологистика комплекси таъсисчиларидан бири “BMB холдинг” кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматкулов ҳам сўзга чиқиб, қўшма корхона қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортда фермер ва дехқонларнинг оладиган даромади 2 баробар ортишини, жараён эса 4 баробар осонлашини таъкидлади.

Агрологистика мажмуатининг бошланжақ фаолияти, унинг қувватлари, экспорт салоҳияти ва жуғрофияси, хизмат турлари, шунингдек, яратилган

бошқа имконият ва шароитлар ҳақида сўз кетганда, шунти таъкидлаш жоизки, “BMB-NRC Agrolistics” комплекси ўзига хос ноёб мажмуа бўлиб, унда мамлакатимиз минтақаларида етиштирилган турли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоклаш, сақлаш, божжона, банк ва санитар ҳўжатларини “Ягона дарча” тамойили асосида расмийлаштириш, транспорт, логистика хизматларини қўрсатиш каби амалиётлар жорий этилган. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, экспортёрларимиз шу ернинг ўзида доимий равишда фаолият қўрсатадиган “Россельхознадзор”нинг аккредитацияланган лабораторияси сертификатлари билан Россия ва бошқа мамлакатларга тўғридан-тўғри экспортни йўлга қўйиши мумкин.

Бундан ташқари, қўшма корхонанинг яқин вақт ичида бошланиши режалаштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини субимпортация тарзда қуришти ва шок усулида музлатишни назарда тутувчи умумий қиймати 225 миллиард 100 миллион сўм бўлган навбатдаги босқичлар қурилиши пойдеворига тамал то-

шини қўйиш маросими ҳам ўтказилди.

Тадбир доирасида Қарақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 150 дан ортиқ йирик корхоналар вакиллари томонидан ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини намойиш қилувчи кўргазма ташкил этилди. Экспозицияларни кўздан кечириш чоғида экспортёрлар ва импортёрлар ўртасида амалий мулоқотлар бўлиб ўтди.

“B2B” форматда шериклик алоқаларини ўрнатиш бўйича қатор келишувларга эришилди. “BMB-NRC Agrolistics” агрологистика комплексида фаолият юритувчи барча хизмат мутахассислари эса шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари ҳодимларини қизиктирган саволларга батафсил жавоблар берди.

Корхонанинг расмий очилиш маросими иштирокчилари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мажмуа ҳудудида бог яратиш мақсидида қўчат экиш ақциясида қатнашди.

— Туманимиз ҳудудидаги 40 гектар ер майдонида барпо этилган ушбу агрологистика комплекси 3 босқичли мо-

дўль қўринишида амалга қўйилади ва ҳар бир босқичнинг тўлиқ қувватда ишга тушган ҳолдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш ва қадоклаш қуввати йиллик 270 минг тоннани ташкил этиб, барча босқичлар тўлиқ ишга тушганда 810 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саралаш, сизими 10 минг тонналик соевиткичли камераларда сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклаш орқали экспорт қилиш имконини беради, — дейди Шароф Рашидов тумани ҳўқими Маҳмуд Холбўтаев. — Ушбу “BMB-NRC Agrolistics” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг ўзига хос томонларидан бири нафақат туманимиз ва вилоятимиз, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги дехқон, фермер ва агрокластер вакиллари учун яратилган улкан имкониятидир.

Мазкур замонавий мажмуанинг умумий лойиҳа қиймати 709 миллиард 71 миллион сўм бўлиб, комплекс қурилиши уч босқичли модуль қўринишида амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, бу ерда 10 минг тонна сизимга эга бўлган музлаткичли камера-

лар ва омборлар мавжуд бўлиб, лойиҳа тўлиқ ишга туширилган, 810 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконини беради. Комплексида қад кўтарган дастлабки модулда эса йилга 270 минг тоннагача маҳсулотларни қабул қилиш имкони яратилган.

Энг муҳими, ҳозирнинг ўзидаёқ 180 нафар доимий, 400 нафардан зиёд мавсумий иш ўринлари яратилмоқда. Мажмуа тўлиқ қувватда ишга туширилган, 1 минг 410 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади.

Утган давр мобайнида лойиҳа доирасида 484 миллиард 62 миллион сўм микдорда инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига агрологистика комплексининг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур инфратузилма яратилди. Хусусан, Божжона қўмитаси, Усимликлар қарантини ва ҳўқомаси агентлиги ҳамда “Узсаноатқурилишбанк”нинг ҳудудий филиаллари, фитосанитар ва санитар-эпидемиологик сертификатлаштириш учун ПЗР тести ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.

Абдуҷалол ҚАЙОМОВ,
ЎЗА муҳбири.

Сенат қўмитасида

АТРОФ-МУҲИТ

МУҲОФАЗАСИГА

ДОИР ИСЛОҲОТЛАР

ЁШЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси томонидан Қонунчилик палатаси Ёшлар парламенти аъзолари, Экопартия Ёшлар қаноти фаоллари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида тахсил олаётган фаол йигит-қизлар иштирокида тадбир ташкил этилди.



Унинг биринчи қисмида ёшлар учун Сенат биноси бўйлаб сەфҳат уюштирилди.

Сўнгра сенатор ва ёшлар учрашуви ўтказилди. Унда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алиханов томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш, сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлаш самарадорлигини ошириш, экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи қўриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, учрашувда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар Конституция даражасида мустаҳкамланганлигига ҳам эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, жамият ҳаётида чўқур сифат ўзгаришлари рўй бераётган, тўб ислохотлар жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда янги тахрирдаги Конституция янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятни жипслаштиргани айни ҳақиқат.

Шуларга мос равишда Бош қўмусимизга аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланди.

Мазкур сазй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ушбу соҳани бошқариш ва тартибга солувчи қонунчилик базаси тақомиллаштирилди. Бутунлай янгича экологик тафаккур, экологик дунёқараш шаклланиб, аҳолининг эколог маданияти юксалмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган махсус нормалар, хусусан, давлат томонидан атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини тиклаш юзасидан зарур чоралар қўрилиши белгиланди.

Умуман, “Давлат бебаҳо табиий бойликлари мизини қўлайштириш, асраб-авайлаш ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш чораларини қўриш” Асосий Қонунимизда янада мустаҳкамлаб қўйилди.

Зеро, Конституцияга киритилган ушбу нормалар табиий заҳиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажакига таҳдид солаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этапти.

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирирининг олдини олиш мақсидида давлат шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шароит яратмоқда.

Учрашувда ёшлар ўзларини қизиктирган масалалар юзасидан батафсил ахборот олиш имконига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

